

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

КОМИЛОВА ГАВҲАРОЙ РЎЗИМОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МАҚОЛЛАРНИНГ АКСИОЛИНГВИСТИК
ТАҲЛИЛИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Комилова Гавхарой Рўзимовна Ўзбек тилидаги мақолларнинг аксиолингвистик таҳлили.....	3
Комилова Гавхарой Рўзимовна Аксиолингвистический анализ пословиц узбекского языка.....	23
Komilova Gavharoy Ruzimovna Axiolinguistic analysis of the proverbs of the Uzbek language.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of pulished works	47

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

КОМИЛОВА ГАВҲАРОЙ РЎЗИМОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МАҚОЛЛАРНИНГ АКЦИОЛИНГВИСТИК
ТАҲЛИЛИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fil1319 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.md.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холманова Зулхумор Турдиевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “16” 02 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (835 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “4” 02 кун тарқатилди.
(2022 йил “4” 02 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Ш.С.Сирожидинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филология фанлари доктори, профессор

Қ.Пардаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филология фанлари доктори, доцент

Н.М.Маҳмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, филология
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида соҳалараро интегратив ёндашув ва оламнинг лисоний манзарасини инсон омили, баҳоси ва қадрият нуқтаи назаридан тадқиқ этиш амалий аҳамият касб этмоқда. Антропоцентрик парадигмалар, инсон тафаккури ва баҳолаш категориясининг тилда ифодаланиш тамойиллари, миллий менталитетнинг акс этиш даражаси аксиолингвистика йўналишидаги тадқиқотларнинг асосий предметиға айланди. Баҳолаш мезонлари, қадрият асослари тилнинг тўплаш вазифасида намоён бўлади. Қадрият ва аксқадрият, субъектив баҳо – муносабат, халқ турмуш тажрибаси, тилнинг аксиологик мазмунни ифодалашдаги коммуникатив, эмоционал-экспрессив, аккумулятив имкониятлари, тарихий тараққиёти, барқарор бирикмалар, хусусан, мақолларда ўз ифодасини топади.

Дунё тилшунослигида мақолларнинг лисондаги ўрни, шаклланиш омиллари, муайян халқ ҳаёти, дунёқараши, асосан, қадриятлари билан боғлиқлигини кўрсатиш ва бу борадаги илмий-назарий қарашларни умумлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақолларнинг аксиологик функцияси, лингвокультурологик, ментал ва когнитив хусусиятлари бўйича қатор илмий тадқиқотлар яратилди. Қадриятлар жамият ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тараққиётининг маҳсули сифатида замон руҳи, имкониятлари, инсонларнинг орзу-умидлари, истаклари, талаб ва эҳтиёжларини ўзида акс эттиради. “Бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш кетаётган бугунги кунда биз Марказий Осиёнинг келажаги бўлмиш ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашимиз лозим”¹. Шу нуқтаи назардан, халқ донишмандлиги маҳсули бўлган мақолларнинг аксиолингвистик таҳлили долзарб аҳамият касб этади.

Мустақиллик ўзбек тилшунослигидаги янги қарашлар, назарий масалалар, замонавий ёндашувларнинг кун тартибига қўйилишига замин яратди. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида ҳаётнинг қиймат белгиси, атрофдаги воқеликка муносабат жамиятнинг барча аъзоларида кузатилади. Баҳолаш – қийматни аниқлаш жараёни сифатида субъектнинг объектга муносабати, шаклланиши ва тузилиши учун асос мақомида воқеланади. Қадриятлар когнитив хусусиятга эга бўлиб, жараённинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбек тилшунослигида мақоллар аксиолингвистик аспектда тадқиқ этилмаган. Қадрият тушунчасини инсон омили ва тилнинг тўплаш вазифаси алоқадорлигида ёритиш: мақоллардаги баҳолаш категорияларини аниқлаш; қадрият, баҳо ифодаси, аксиологик баҳони субъектив муносабат шакли сифатида таҳлил қилиш; миллий қадриятларнинг лингвистик омилларини белгилаш, аксиологик мазмунни ифодаловчи бирликларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т., 2021. – Б.369.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аксиологияга лингвистик аспектда ёндашиш XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Жумладан, Н.Арутюнова ва А.Ивин илмий изланишлари, Г.Байрамованинг рус ҳамда болгар аксиологик лексикасига оид тадқиқотлари, Г.Багаутдинова, Г.Гибатова, Р.Юнусова, С.Воркачев, В.Карасик² каби олимларнинг ишларида аксиологик тушунчаларнинг лингвистик тавсифи ва таҳлиллари келтирилган. Ўзбек тилшунослигида Ш.Сафаров, Ж.Ёқубов, Ғ.Қамбаров, З.Пардаев, С.Боймирзаева, М.Рахматова, Р.Маджидова³ларнинг тадқиқотларида

²Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Событие. Факт. – М.: Наука, 1988. – 341 с.; Ивин А. А. Современная аксиология: некоторые актуальные проблемы. // Философский журнал, 2010. – № 1 (4). – С. 66–78; Байрамова Л.К. Аксиологический вектор фразеологизмов. Русская сопоставительная филология. –Казань, Казан. гос. ун-т, 2009. – С. 27-30; Байрамова Л.К. Родина и смерть в аксиологической парадигме // Филологические науки. – № 3. 2009. – С. 103–110; шу муаллиф. Ценность и оценка в фразеологии // Фразеология, познание и культура. – Т. 1. Фразеология и познание. – Белгород: Белгород. гос. ун-т, 2010. – С. 59–63; Багаутдинова Г.А. Аксиологическая лингвистика: языковая ценность языковых единиц и ценности, выражаемые языковыми единицами. III Международные Бодуэновские чтения. И.А.Бодуэн де Куртенэ и современные проблемы теоретического и прикладного языкознания (Казань, 23-25мая 2006 г.): Труды и материалы: в 2 т. / Казан. гос. ун-т.– Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2006. – С.132-135; Багаутдинова Г.А., Байрамова Л.К. Аксиологическая фразеология о счастье. Ученые записки Казанского государственного университета. Том 148, кн. 2. Гуманитарные науки, 2006. – С.53-62; Гибатова Г.Ф. Аксиология в языке //Вестник ОГУ 2011. №2 (121)/февраль. – С.127-132; Юнусова Р.Ж. Аксиология фразеологизмов со значением 'гостеприимство / кунакчылык' в русском и татарском языках. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Казань, 2009. – 23 с.; Воркачев С.Г. Lumennaturale: аксиология интеллекта в языке: монография. – Краснодар: Изд. ФГБОУВПО «КубГТУ», 2016.–296с.; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – М.: Гнозис, 2004. – 390 с.

³Safarov Sh. Pragmalingvistika. –Т.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008; Қамбаров Ғ.С. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида). Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2008; Пардаев З. Баҳо категорияси ва унинг фанлараро муносабати. Р.Қўнғуровнинг илмий мероси ва ўзбек тилшунослиги масалалари. – Самарқанд, 2008. – 78 б.; шу муаллиф. Тилшуносликда баҳо концепти ва унинг

аксиология масалалари, аксиологик модаллик ва баҳо семантик категория сифатида ўрганилган. Аксиолингвистикага оид ишлар қозон тилшунослик мактабида, асосан, рус, инглиз, хорват, татар тиллари мисолида олиб борилган.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида халқ мақолларининг мукамал тўплами яратилиб, бир неча марта нашр қилинган ва шулар асосида уларнинг семантик, синтактик, лингвокультурологик хусусиятлари юзасидан Т.Мирзаев, Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов, О.Мадаев, Б.Жўраева, М.Абдуваҳобова, Ш.Қаландаров, Д.Тошева, И.Мирзаалиев кабилар филологик тадқиқотлар олиб борган⁴.

Қайд қилинган манбаларда мақолларнинг лисоний мавқеи ва семантик-услубий қўлланиши, лингвокультурологик хусусиятлари таҳлил қилинган, антропоцентрик мақолларнинг аксиологик тадқиқи (ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида) амалга оширилган бўлса-да, ўзбек тилшунослигида аксиолингвистик йўналишда монографик тадқиқот олиб борилмаган, мақоллар аксиолингвистик аспектда ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиёти” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мақолларда акс этган баҳо ва қадриятнинг лингвистик омилларини ёритиш, қадрият ва аксқадриятдаги олам лисоний манзараси, шахс омили ва лисоний имкониятлар уйғунлигини асослаш, тил бирликларининг аксиологемалар, аксиологик мазмун ифодалашдаги қийматини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лингвистик тадқиқотлардаги аксиологик ёндашувларни таҳлил қилиш, аксиолингвистиканинг интеграл соҳа сифатидаги белгиларини ёритиш;

қадрият ва аксиологик баҳо тушунчаларининг лингвистик талқинини асослаш;

ўрганилиши ҳақида. Ўзбек тилшунослиги XXI асрда (Номшунос олим профессор Тўра Нафасов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-назарий анжуман материаллари). – Қарши, 2008. – Б. 214–220; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол. фан. док. дисс... автореф. – Т., 2010. – 49 б.; Рахматова М. Инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиятида «ғўзаллик» концептининг лисоний хусусиятлари. Филол. фан. фалс. док.(PhD)...дисс. – Бухоро, 2019; Маджидова Р.У. Антропоцентрик мақолларнинг аксиологик тадқиқи (ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида): Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Фарғона, 2020.

⁴ Мадаев О. Мақоллар оламида. – Т.: Ўзбекистон, 1984; Ўзбек халқ мақоллари. Академик нашр. 2 томлик. I том. – Т.: Фан, 1987; Ўзбек халқ мақоллари. Академик нашр. 2 томлик. II том. – Т.: Фан, 1988; Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзб. Совет. Энциклопедияси, 1990; Mirzayev T., Musaqlulov A., Sarimsoqov B. O'zbek xalq maqollari. T., 2019. –512 b.; Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий услубий қўлланилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2002; Шу муаллиф.. Ўзбек халқ мақолларининг кискача синонимик луғати. – Т.: Фан, 2006; Шу муаллиф. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Самарканд, 2019; Абдуваҳобова М. Гендернинг паремиологик вербаллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2013; Тошева Д.А. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Филол. фан. фалс. док. ... дисс. автореф. – Т., 2017; Қаландаров Ш.Ш. Ўзбек лингвомаданий муҳитида халқ мақоллари эвфемизацияси. Фил. фан. фалс. док. ... дисс. автореф. – Фарғона, 2019; Мирзаалиев И.М. Қадимги туркий мақоллар семантикаси ва стилистикаси (“Девону луғати-т-турк” материали мисолида). Филол. фан. фалс. док. ... дисс. автореф. – Т., 2020.

мақолларни аксиолингвистик таҳлил қилиш тамойилларини белгилаш;
мақолларни аксиологик концепт асосида таҳлил қилиш;
аксиологик мазмун ифодаловчи лингвистик бирликларни аниқлаш;
мақолларда баҳо ва қадриятларнинг ифодаланиш даражасини белгилаш;
характер белгиларининг қадрият мақомида ифодаланиш хусусиятларини
лингвистик бирликлар таҳлили асосида очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Ўзбек халқ мақоллари” (II томлик), “Ҳикматнома”, “Ўзбек халқ мақоллари” тўпламларидаги қадрият ва аксиологик баҳо масалаларига алоқадор мақоллар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини мақоллардаги қадрият ва аксақадриятлар тизими, баҳо ва муносабатнинг лингвистик омиллари, аксиологемалар, аксиологик мазмунни ифодаловчи лингвистик бирликлар таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда индукция, дедукция, тизимли таҳлил, тавсифлаш, қиёслаш, компонент таҳлил, концептуал таҳлил, моделлаштириш усуллари ва аксиологик шкалалардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аксиологик мазмун ифодаловчи воситаларнинг лисоний функциялари текширилган ва унинг миллий, ижтимоий, маданий характерда бўлиши, тил эгалари лисоний онгини акс эттириши, коннотацияга асосланиши, мазкур коннотация бошқа миллат вакилларига тушунарли бўлмаслиги мисоллар билан далилланган;

қадрият ва аксақадрият ифодаланган матнлар орқали фаол аксиологик концептлар аниқланган, тилда қадриятлар ва баҳо ифодаланишининг хусусиятлари, хусусан, ўзбек мақолларидаги оламнинг қадрият манзараси очиб берилган;

баҳо ва қадрият ифодасида мақолларнинг ўрни, имкониятлари, лингвистик ва прагматик омиллари лисоний воситалар орқали асосланган, имплицит усулда воқеланган қадрият ва баҳо талқинларида лексемаларнинг маълум бир семалари аксиологик маркерга айланиши, тилнинг қадрият манзарасида алоҳида семантик майдон ҳосил қилиши исботланган;

мақолларда акс этган баҳо, қадрият ва аксақадрият даражасини аниқлаш учун илк бор аксиологик шкала мезони ишлаб чиқилган. Аксиологик шкала баҳолаш воситаларини умумлаштириш, ўзаро қиёслаш имконини бериши, тилшуносликнинг аниқ ва табиий фанлар билан интеграциясини таъминлашга хизмат қилиши, баҳолаш шкалалари шу қадрият асосидаги аксиосферани юзага келтириши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тилда қадриятлар ва баҳо ифодаланишининг хусусиятлари, хусусан, ўзбек мақолларидаги оламнинг қадрият манзараси тавсифланган;

илмий қўлланиш доирасига *аксиологик концепт* тушунчаси ва терминини киритиш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

мақолларнинг аксиолингвистик таҳлили тил эгаларидаги баҳолаш белгилари, муайян маданий муҳит хусусиятлари, миллий қадриятларнинг

лингвистик ифодаси, нутқда акс этиш даражасини акс эттириши кўрсатиб берилган;

кадриятларнинг тил бирликлари орқали акс этиши, асосан, мавҳум ва антоним сўзлар, зидлаш ва даражалаш усулларининг фаоллиги аниқланган. Зидлашда бир хил воқеликка ҳам ижобий, ҳам салбий баҳо нуқтаи назаридан муносабат акс этиши, мазкур усул ижобий воқеликнинг салбий белгиларини, ўз навбатида, салбий ҳодисалардаги ижобий белгиларни кўра олиш қобилятини шакллантиришга хизмат қилиши таҳлилларда очиб берилган;

тадқиқот асосида аксиолингвистикага оид терминларнинг изоҳли луғати тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кадриятларни ифодаловчи халқ мақолларининг ўзбек тилида нашр этилган энг ишончли манбалардан олингани, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, методик жиҳатдан тизимли равишда ёндашилгани, қўйилган муаммонинг аниқ ва етарлича далиллангани, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани, жаҳон тилшунослигининг янги йўналишлари ва таҳлилий усуллари асосида илмий-назарий асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кадриятлар назариясининг тил, тафаккур, маданият, баҳо ва унинг тилда ифодаланиши каби аксиолингвистик муаммоларни ечишда илмий манба вазифасини ўташи, лисоний, интеллектуал, этик ва эстетик баҳо тушунчаси, уларнинг тилда акс этишига оид янгича ёндашувлар мазкур соҳанинг замонавий назариялар билан бойишига асос бўлиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳозирги тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, лингводидактика, стилистика, нутқ маданияти, матн лингвистикаси, таржима назарияси ва амалиёти бўйича дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, курс иши ва битирув-малакавий ишларини ёзишда, магистрлик, докторлик диссертацияларини тайёрлашда, махсус курсларни ўқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилидаги мақолларнинг аксиолингвистик таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мақолларнинг умуминсоний ва миллий кадриятларни ифодалаш имкониятлари, тилнинг таркибий қисми сифатида тил таълими жараёнида кадриятларнинг сингдирилишига ҳам эътибор қаратилиши, тилнинг тўплаш вазифасини ўзида намоён этувчи барқарор бирикмалар – мақоллар кадриятларни етказиш воситаси эканлиги, аксиолингвистик мазмун нутқда маълум воситалар, лексик бирликлар орқали реаллашиши, улардан энг фаоли сифатида мавҳум сўзлар ва антоним бирликларнинг келтирилиши; мавҳум сўзлар инсониятнинг, халқнинг дунёқараши, тафаккур тарзи, этик, эстетик, маданий, маънавий тушунча ва меъёрларини номлаши, антоним ҳамда мавҳум сўзларнинг семантик таҳлилларига оид илмий хулосалардан “Development of the interdisciplinary master program on Computational Linguistics at Central Asian

Universities” номли ERASMUS CLASS лойиҳасининг назарий қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 4 октябрдаги 01/4-1811 сон маълумотномаси). Натижада тил таълимини қадрият сифатида англаш тилга давлат, жамият ва шахс муносабатини акс эттирувчи илмий ҳамда амалий фаолиятни ишлаб чиқиш, кенг ёйишнинг аҳамияти ҳақидаги илмий қарашларнинг бойишига асос бўлган;

ўзбек тилшунослигига янги йўналиш сифатида кириб келаётган аксиолингвистика, унинг вужудга келиш анъаналари, пайдо бўлиш омиллари, баҳонинг лисоний бирликларда акс этиши, ривожланиш шарт-шароитлари тадқиқи ҳақидаги назарий хулосалардан ПЗ-20170927147 рақамли “Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 28 сентябрдаги 01/4-1766 сон маълумотномаси). Натижада кўп асрлик ўзбек тилининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларида муҳим омил ҳисобланган қадимги ёзма манбаларнинг бугунги кун миллий-адабий тафаккурига, ҳозирги қадриятлар тизимига таъсири, аҳамиятини асослаш бўйича хулосалар чиқаришга асос бўлган;

борлиқ, нарса-ҳодиса, ижтимоий воқелик инсоннинг эҳтиёжи, жисмоний ҳолати ва руҳияти нуқтаи назаридан баҳоланиши; баҳо инсоннинг мақсади, муносабати ва англаш даражаси билан бевосита алоқадорлиги; баҳолаш ва қиймат хусусиятлари шахс ва жамият муносабатининг асосий белгилари ҳисобланиши; қадриятлар миллий-маданий ҳаёт тарзи, тил ва маданият муносабатига бевосита алоқадор бўлиши; халқнинг турмуш даражаси, қарашлари, маданий тараққиёт кўринишларига мувофиқ тарзда ўзгариб, ривожланиб бориши ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан “O‘zbekiston” телеканалининг “Ассалом Ўзбекистон” кўрсатуви сценарийсини ёзишда фойдаланилган (ЎзМТРК “O‘zbekiston teleradiokanali” ДУКнинг 2021 йил 14 октябрдаги 01-02-1629 сон маълумотномаси). Натижада дастур учун тайёрланган материалларнинг мазмуни назарий ва амалий маълумотлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий мақола чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, 7 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, илова қисмларидан ташкил топган бўлиб, ҳажми 148 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I боби **“Аксиолингвистика ва унинг асосий масалалари”** таҳлиliga бағишланган. Бобнинг “Лингвистик тадқиқотларда аксиологик ёндашув” деб номланган биринчи фаслида аксиолингвистикага доир тадқиқотлар тавсифи келтирилган.

А.Ивин, Н.Арутюнова, Е.Вольф, С.Павлов, Е.Серебрянникова, В.Карасик, Л.Байрамова, Г.Багаутдинова, Г.Гибатова, Р.Юнусова кабилар тадқиқотларида аксиолингвистика алоҳида йўналиш сифатида ажратиб берилди. Хусусан, С.Павлов унинг объектини комплекс усулда “тил – онг – жамият – маданият – инсон” муносабати орқали изоҳлайди. Аксиолингвистика предмети сифатида кадриятларни ифодаловчи ва аксиологияни шакллантирувчи лисоний воситалар; вазифаси ўрнида кадриятни тил бирликларининг таркибий қисми сифатида реаллаштириш, мақсади сифатида дунёнинг кадрият манзарасини тадқиқ этиш белгиланган⁵. Демак, аксиологик қарашларнинг муайян тил бирликлари орқали ифодаланиш даражасини таҳлил қилиш натижасида аксиолингвистика шаклланди.

Бадиий матннинг аксиологик имкониятлари ҳақидаги тадқиқотларда “лингвоаксиология” термини қўлланган. Лингвоаксиология бадиий ва бошқа матнлар, диалог, суҳбатларни тадқиқ этиш орқали ҳар хил ёш, жинс, касбий ҳамда синфий ёки индивидуал кадриятларни аниқлаш имконини беради. Матнларга эстетик кадриятлар ифодаси сифатида ёндашувлардан бири И.Гальперин асарларида кўринади⁶.

Аксиолингвистикага оид бир қатор тадқиқотлар В.Карасик раҳбарлигидаги “Аксиологик лингвистика”⁷ лабораторияси билан боғлиқ. С.Воркачевнинг рус тили лисонидаги *счастья* “бахт” концептининг лингвокультурологик хусусиятларига доир монографиясида аксиологик таҳлиллар акс этган. Олим хорват, рус, инглиз ва татар тиллари материаллари бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борган⁸. Л.Байрамова *счастья* “бахт” концептини хорват тили мисолида

⁵Павлов С. Г. Лингвоаксиологическая модель человека: научно-методический аспект // Вестник Минского университета. – Мн., 2013. – № 2. – С. 56-68.

⁶Гальперин И. Р. Текст – как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981. – С. 2.

⁷Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс (монография). – Волгоград: “Перемена”, 2002. – С. 477.

⁸Воркачев С.Г. Концепт счастья в русском языковом сознании: опыт лингвокультурологического анализа.– Краснодар, 2002. – 142 с.

таҳлил қилган⁹. Фразеологик фонддаги баҳо ва қадрият таҳлиliga қаратилган тадқиқотларнинг яна бир йўналиши аксиологик парадигманинг назарий ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, бу хусусият бир қатор ишларда акс этган¹⁰. Шунингдек, баъзи тадқиқотлар замонавий аксиолингвистик таҳлил муаммоларига ва уни амалга ошириш усулларидан бири сифатида этносемиотрияни асослашга бағишланган¹¹.

Ўзбек тилшунослигида антропоцентрик йўналишдаги айрим тадқиқотларда баҳо ва қадриятга доир таҳлиллар учрайди¹². Аксиологияга бағишланган изланишлар ҳам амалга оширилган¹³. Хусусан, Р. Мажидова тадқиқотида мақоллар чоғиштирма аспектда таҳлил қилинган, асосан, манба таҳлиliga фалсафий йўналишда ёндашилган. Мақоллар таркибидаги антропонимлар, шахс отлари ўрганилган¹⁴.

Бобнинг иккинчи фасли “Қадрият ва баҳонинг лингвистик талқини” деб номланган. Маълумки, баҳо ва қадрият категориялари дастлаб, мантиқ, фалсафа доирасида тадқиқ этилган. Хусусан, Арасту, Н.Арутюнова, А.Ивин баҳони мантиқий ва фалсафий категория сифатида ўрганишган бўлса, Е.Вольф ҳамда Н.Лукьянова, З.Темиргазиналар баҳога семантик нуқтаи назардан ёндашишган¹⁵. Е.Вольф томонидан баҳо объекти ва баҳо субъекти ажратиб олинди. Баҳо объекти ўзида маълум ҳодиса ёки жараённинг хусусиятларини акс эттириб, баҳо учун асос вазифасини бажарса, субъект объектга нисбатан ижобий ёки салбий муносабатни ифодалайди¹⁶.

Баҳонинг лингвистик жиҳатдан ўрганилиши фан олдига аксиолингвистик бирликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш заруриятини қўйди. Зеро тилда баҳо ҳодисаси орқали нарса-предметлар танланади, таҳлил қилинади. Лексемалар эса коннотатив маъноларида баҳо семасини ифодалайди. “Баҳо семантик категория сифатида семасиологик ва ономасиологик жиҳатдан таҳлил этилади. Бундай таҳлилда баҳонинг семантик элементлари эътиборга олинади”¹⁷.

⁹ Байрамова Л.К. Концепт “счастье” в хорватском языке // *Drugi hrvatski slavisticki kongres: Zbornik radova*. 2. – Zagreb, 2001. – С. 471–473.

¹⁰ Байрамова Л.К. Аксиологический вектор фразеологизмов // *Русская сопоставительная филология*’ 2009. – Казань: Казан. гос. ун-т, 2009. – Б. 27–30.; Байрамова Л.К. Интерпретация фразеологизмов в словарях в свете когнитивистики и аксиологии // *Фразеология и когнитивистика*. – Белгород: Белгород. гос. ун-т, 2008. – Т. 1. Идиоматика и познание. – Б. 298–302.; Байрамова Л.К. Ценность и оценка во фразеологии // *Фразеология, познание и культура*. – Т. 1. Фразеология и познание. – Белгород: Белгород. гос. ун-т, 2010. – С. 59–63.

¹¹ Лингвистика и аксиология: этносемиотрия ценностных смыслов: коллективная монография. – М.: ТЕЗАУРУС, 2011. – 352 с.

¹² Рахматова М. Инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиятида “гўзаллик” концептининг лисоний хусусиятлари. Филол. фан. бўйича фалс. док.(PhD)...дисс. – Бухоро, 2019. – 320 б.; Жўраева Б. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. док. (DSc) дисс.. автореф. – Самарқанд, 2019. – 74 б.; Ахроров А. Нутқ маданиятини ифодаловчи ўзбек халқ мақолларининг лингво-функционал ва хулқий қиймати: Филол. фан. бўйича фалс. док.(PhD)...дисс. автореф. – Гулистон, 2021. – 49 б.

¹³ Ибрагимова Э. Ўзбек тили лексикасининг аксиологик тадқиқи: Ўқув-услубий қўлланма. – Фарғона, 2018. – 84 б.

¹⁴ Маджидова Р.У. Антропоцентрик мақолларнинг аксиологик тадқиқи (ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида): Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Фарғона, 2020. – 76 б.

¹⁵ Лукьянова Н.А. Экспрессивная лексика разговорного употребления: Проблемы семантики. – Новосибирск: Наука, 1986. – С. 45.; Темиргазина З.К. Оценочные высказывания в современном русском языке. Дисс. канд. филол. наук.: – М., 1999.

¹⁶ Бу ҳақда қаранг: Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. – М.: Наука, 1985. – С. 24–33.

¹⁷ Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида). Филол.фан.ном.дисс.. – Т., 2008. – Б.22.

Бизнингча, аксиолингвистик тадқиқотларда баҳо ва қадриятни алоҳида ўрганиш ўринли эмас. Улар бир-бирини тақазо этувчи бирликлардир. Баҳо орқали танланган нарса-предмет, воқелик ижобий ёки салбий баҳолангач, қадриятга айланади. Чунки қадрият шахснинг воқелик, жамиятга берган баҳоси асосида шаклланади. Мазкур жараён нутқ эгасининг тил билиш имкониятлари доирасида нутқда воқеланади.

Шу билан биргаликда, қадрият кўпгина фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Жумладан, фалсафада қадрият бу шахс ёки ижтимоий-маданий жамият учун маълум бир аҳамиятга эга бўлган ҳодиса сифатида инсоннинг ташки дунё билан ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Тилшуносликда қадрият борлиқдаги жараёнлар, ижтимоий муносабатлар, маданий белгиларнинг инсон онгидаги ифодаси; тилнинг қадрият манзараси – маълум бир шахс ёки жамиятнинг аксиосферасини меделлаштирувчи лингвистик бирлик сифатида талқин қилинади.

Бобнинг учинчи фасли “Аксиологик тушунчалар ва мақолларни аксиолингвистик таҳлил қилиш тамойиллари” деб номланади.

Инсон фаолияти давомида тўпланган билим, тажриба ва тасаввурлар унинг онгида инъикосини топар экан, бу ментал репрезентация жараёнида миллий-маданий фаолиятнинг тасвири юзага келади. Бу ҳақда Н.Ф.Алефиренко: “Тилда олам манзарасида акс этувчи, маълум маданият вакиллари учун муҳим бўлмиш объектлар ифодаланади, лисоний онгда эса ўша лингвомаданият учун аҳамият касб этувчи унсурлар муҳрланади”¹⁸ деб ёзади. Оламнинг лисоний манзараси тегишли тил жамоаси онгида тарихан шаклланган ва унинг тилида барқарорлашган дунё ҳақидаги тасаввурлар, дунёни англаш ва қисмларга ажратиш усулларининг йиғиндиси бўлиб, у мазкур тил эгаларининг барчаси учун одатий, табиий ва мажбурийдир¹⁹. Шунинг учун ҳам олимлар миллий-маданий қадриятли манзарани майдон сифатида тасаввур этиш мумкинлигини таъкидлаб, унинг ядросини миллий когнитив база ташкил этади, деган хулосага келади²⁰. Юқоридаги фикрларга асосланиб, миллий қадриятларнинг образли майдони сифатида мақолларни таҳлилга тортдик.

Мақолларда халқнинг қадриятлар тизими акс этади, ўз ўрнида мифологиялаштирилган тил бирликлари ҳам иштирок этиши кузатилди. *Нон* асосли мақоллар уй-рўзғор маҳсулотлари асосида шаклланган мақоллар ичида нисбатан кўп учрайди: *Нон боласи – нон ушоқ; Нон бўлса бас, Ўзгаси ҳавас; Нон қон бўлса, қон – жон; Нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон* (исрофгарчилик–аксқадрият) сингари бир қатор мақоллар ноннинг асосий озуқа бўлганлигини, халқ томонидан эъзозланганлигини кўрсатувчи моддий қадриятларни ифодалайди; ўз навбатида, ноннинг эл орасидаги қиймати бошқа қадриятлар учун асос бўлади. *Нон қадрини оч билар, Кийим қадрини — яланғоч; Нонвойга нон азиз, Тегирмончига — ун* мазмунидаги мақоллар шахсий қадриятлар ҳар

¹⁸Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. –М.: Флинта, Наука, 2010. – С. 43.

¹⁹Махмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Т., 2017.– Б.143.

²⁰Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. – М.: Флинта, Наука, 2010. – Б.140.

кимнинг эҳтиёжи ва истагидан келиб чиқишини англатади; *Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр*; *Тилаб олган нон қорин тўйдирмас* матнида *нон* лексемасининг “*тирикчилик*” семаси орқали ўзгалар меҳнати эвазига кун кўрувчи инсонларга баҳо берилган (этик кадрият). Нон маҳсулотларининг эл орасидаги кадри тил эгалари онгида “*обрў*”, “*эътибор*” тушунчаларини шакллантириб, “*Улуг сўзлама, улуг парча нон ерсан*” тарзида воқеланган (этик кадрият). *Бор-бор, ишда бор, Ишламаган нонга зор*; *Кетмон чопдим, нон тишладим* мақолида нон → ризқ-насиба, *Меҳнатнинг нони – ширин, Ялқовнинг жони – ширин* мақолларида нон → даромад, *Абжир бўлса фарзандинг, чўлдан нон терар* матнида нон → моддий фаровонлик каби иқтисодий кадриятлар акс этган.

Тадқиқотда мақолларни таҳлил қилишда кадриятларга ажратишнинг қуйидаги тамойилларидан фойдаланилди: 1.Интеллектуал кадриятлар. 2.Эстетик кадриятлар. 3.Ахлоқий кадриятлар. 4.Ижтимоий кадриятлар. 5.Физиологик кадриятлар. 6.Иқтисодий кадриятлар. 7. Диний кадриятлар.

II боб “**Ўзбек мақолларидаги концептларнинг аксиолингвистик таҳлили**”га бағишланган.

Концепт тушунчаси когнитив тилшунослик орқали фанга кириб келди. Ўтган асрнинг 70-80 йилларидан концепт муаммоларининг назарий талқини бўйича махсус тадқиқотлар яратила бошлади. Жумладан, Ю.Степанов, В.Воробьев, С.Тер-Минасова, В.Карасик, Г.Воркачев, Л.Кузнецова²¹ каби олимларнинг илмий ишларини келтириш мумкин. Ўзбек тилшунослигида ҳам бу борада қатор илмий ютуқларга эришилди²². Шунингдек, ҳозирги кундаги концепт типологиясига оид тадқиқотларда аксиологик концепт ҳақида ҳам сўз юритилади²³. Мазкур концептни В.Карасик “этик-эстетик категорияларнинг маҳсули сифатида дериктив хусусиятга эга бўлган маданий кадриятларни баҳоловчи концепт”²⁴ деб тавсифлайди. В.Привалова “миллий аксиологик тузилишга эга концепт”²⁵, деб келтиради. Тадқиқотларда “Аксиологик концепт тилни статик система сифатида эмас, балки инсон ва инсониятга боғлиқ равишда қамраб олиши”²⁶, “одатда, лексиканинг махсус қатламини ташкил этувчи мавҳум номлар билан ифодаланиши, бир қатор ўзига хос хусусиятлари

²¹ Степанов Ю.С. Язык и ментальность. – СПб: “Петербургское введение”, 2004. –64 с.; Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слово, 2008. –264 с.; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002.

²² Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.; Галиева М.Р. Вербализация концептосферы word/сўз/слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира: Автореф. дис...канд. филол. наук. – Т.: 2010. – 28 с.; Агзамова Д.Б. Инглиз ва ўзбек тилларида “хотира” концепти. – Т., 2014; Тўхтаўжаева Н. Бадий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланиши (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида). Филол.фан.фалсафа д-ри дисс. (PhD). – Т., 2017. – 124 б.; Мардиев Т. Инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғулари ифодаланишининг концептуал таҳлили. Филол.фан.фалсафа д-ри дисс (PhD). – Самарқанд, 2019.

²³Воркачев С.Г. Концепт счастья: понятийный и образный компоненты // Известия РАН. 2001. № 6. С. 47–58; шу муаллиф. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. Вып. 1. – С. 64–72; Карасик В.И. Языковые ключи. –М.: Гнозис, 2009.

²⁴Карасик В.И. Языковые ключи. – М.: Гнозис, 2009. – С.24.

²⁵Привалова И.В. Языковое сознание: этнокультурная маркированность. Автореф. дисс...канд. филол. наук. – М., 2006. – С.9-17.

²⁶ Попова З. Д., Стернин И. А. Когнитивная лингвистика. – М., 2010. 314 с.

билан ажралиб туриши (жумладан *яхшилик, меҳнат, бахт, эркинлик, севги, тақдир* ва бошқалар)²⁷ таъкидланади.

Шуларга асосланиб айтиш мумкинки, “*ҳаёт*” концепти инсоният онгида жойлашган, бутун олам қиёфасида акс этадиган аксиологик концептдир. Бобнинг биринчи фаслида илмий муаммо “*Ҳаёт*” ва “*ўлим*” концептларининг аксиолингвистик таҳлили” деб белгиланган. Тадқиқотда “*ҳаёт*” концепти қадриятлар тизими сифатида бир қатор аксиологемаларга бўлиб ўрганилди. *Одам – олтиндан қиммат; Инсон – гавҳари қобил; Одам оламнинг олтин тожи; Одамга эътибор – оламга эътибор* сингари мақоллар **инсон – ҳаётда энг олий қадрият** аксиологемасига бирлашади. Уларда олтин ашёсининг қиймати, олтин тож баҳоси, одам=олам тенглиги баҳо муносабатига асос бўлади.

Ҳаётни таҳлил ва талқин қилиш, борлиқни сезгилар воситасида идрок қилиш ҳамда уни тилда ифодалашда вербал система ишга тушади. Ҳис этиш ва англаб етиш жараёнлари пировардида ҳаётнинг перцептив кўриниши пайдо бўлади; бу манзара мақолларда *тириклик – бахт, юк – ташвиш, ўткинчи, кураш, ҳаракат, ўзгарувчан, масъулият, бирлик, оила, фарзанд, меҳр-муҳаббат, бойлик, тажриба, меҳнат, қарз, шафқатсиз* лексемалари билан воқеланган. Натижада *ризқ, уй, юк, дарё, сув* каби метафоралар билан борлиқ, умр ва унинг моҳияти ҳақидаги қарашлар, хулосалар берилган. Хусусан, *ҳар кимга – бир уй, бир гўр* мақолида уй – ҳаёт, гўр – ўлим аксиологик жуфтлиги ифодаланган. *Уй* лексемасининг “*яшаш учун мўлжалланган*”, “*оила*”, “*хонадон*” семалари ҳаёт концептининг метафорик образи учун асос вазифасини ўтаган. *Зеро, уйи бузилмоқ, уйи куймоқ* фразеологизмларида ҳам *оиласи барбод бўлмоқ* ва *хонавайрон бўлмоқ* маъноларида қўлланган.

Ҳаёт-ўлим аксиологемаси инсон учун ҳаётий жараёнларнинг бошланиши ва тугалланиш нуқтаси ўрнида бир хил аҳамиятга эга. **Ўлим** аксиологик концепти таҳлилидаги қарашларни икки блокка бирлаштириш мумкин:

- 1) ўлим – қадрият (ижобий);
- 2) ўлим – аксқадрият (салбий).

Оламнинг қадрият манзарасида **ўлим** концептининг қадрият ва аксқадрият сифатидаги талқинлари мақоллар орқали асосланган. *Ватан учун ўлмоқ шараф; Эрдан айрилганча, жондан айрил, Бир бошга бир ўлим, Эр йигит ўзи учун тугилар, эли учун ўлар* каби мақолларда ўлим қадрияти, *Бир бошга бир ўлим* мақолида ўлимга тик боқиб, Аллоҳга таваккал қилиш сингари диний қадриятлар воқеланган. **Ўлим** аксқадрияти инсон умрининг қайси босқичида содир бўлиши жиҳатига кўра баҳоланган: *Уйқунинг тинчи яхши, Ўлимнинг – кечи; Қари ўлса – давлат, Ёш ўлса – қиёмат* каби мақолларда кексалар ўлими табиий – физиологик ҳаётнинг якуни сифатида, эрта ўлим эса фожиа деб қабул қилинган.

Кўриш ва ҳис этиш жараёнларида объект, нарса-предмет, шахс, вазият, воқеа-ҳодисаларнинг яхлит тасвири пайдо бўлади. Мазкур тасвирни идрок

²⁷Форофонтова Ю.Л. Аксиологический концепт сквозь таксономическую призму (на примере концепта судьба) //Вестник ТГУ, 2008. – С.141-145.

қилиш орқали халқ ўлимнинг “*аччиқ*”, “*азоб*”, “*улуғвор*”, “*обрўли*”, “*фидоий*”, “*кучли*”, “*муқаррар*”, “*вақти номаълум*” сингари хусусиятларини ўзида жамлаган перцептив образини яратган. Натижада тил эгалари онгида унинг қоронғу тун, чўл, ўт(олов), тўқай, кафан, Азроил, мозор, гўр, қиёмат, бўри (бўркни ташлаб бўридан қутулиб бўлмас мақолидаги бўри лексемасининг “*ёвуз*”, “*қонхўр*” семалари ўлимнинг “*шафқатсиз*” белгисини ифодалаган), болта (Ўлар *хўкиз* болтадан қайтмас; болта – бирор нарсани ёриш, кесиш ёки чопиш учун ишлатиладиган асбоб номи. Унинг кесиш, чопиш сингари хусусиятлари тилда “*ҳалокатга йўлламоқ*”, “*путурдан кеткизмоқ*” маъноларида илдизига болта урмоқ, оёғига болта урмоқ ибораларида ҳам воқеланган) каби метафорик образлари пайдо бўлган. Қайд этилган миллий метафоралар мулоқот прагматикасининг адресатга тушунарли бўлишини, матннинг стилистик бўёқдорлигини, экспрессив-эмотивлигини таъминлаган.

Бобнинг иккинчи фасли “Яхшилик” ва “ёмонлик” концептларининг аксиолингвистик таҳлили” деб номланади. Мақолларда яхшилик ижобий фазилат сифатида инсондаги энг муҳим атрибут деб баҳоланади. Халқ аксиосферасида яхшилик аксиологик концепт сифатида умуминсоний ва миллий кадриятларни ифодалайди. *Яхшилик* лексемасининг ясалишида асос вазифасини бажарган *яхши* лексемаси тилда полисемантик характер касб этади. У ўзида “*ижобийлик*”дан ташқари “*ақлли*”, “*гўзал*”, “*зийрак*”, “*мард*” каби семаларни мужассамлантиради. Демак, “яхшилик” аксиологик концепти нафақат мавҳум, балки эмоционал – эстетик – интеллектуал – баҳоловчи белгиларни ҳам қамраб олади. *Яхшилик* икки жаҳонни орттирар мақолида халқ тилидаги “икки дунё саодати” тушунчаси ўз ифодасини топган. *Яхшилик нур келтирар*, *Ёмонлик – зулмат* матнида аксиологик мазмун нур ва зулмат лексемалари орқали ифодаланган. “Нур” семантикасидаги “*ёруғлик*”, “*ёритиш*” семалари, *зулмат* семантикасидаги “*қоп-қоронғулик*”, “*кўрмаслик*” семалари зидлиги баҳолаш асоси бўлган.

Мақолларда “ёмонлик” аксиологик концепт сифатида бир қатор умумий хусусиятларни бирлаштиради. Жумладан, **ёмонлик яхшиликдан кучли** деб қиймат берилган: *Ёмонга бас келиб бўлмас*; *Бир илон бир уй одамни тинчитмас*; *Яхшига кун йўқ*, *ёмонга – ўлим*. Шу мазмундаги мақоллар бошқа халқ тилида ҳам салмоқли ўрин эгаллайди²⁸.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, халқнинг ёмонлик тўғрисидаги қарашлари аксиологик шкаласида энг юқори поғонани бахиллик иллоти эгаллайди. Хусусан, *Дили қоранинг қилмиши қийиқлик* – бахиллик натижаси инсон ҳаракатлари йўналишини эгри томонга буриши ифодаланган; *Дили қора – тили қора* мақолида бахилликнинг тилни ҳам булғаши, моддийлашиш жараёни воқеланган. *Ёмон бахил бўлар*, *Яхши – аҳил*. Бу мақолда бахиллик аҳилликнинг зиди сифатида намоён бўлмоқда; *Ёмон – кунчи*, *яхши – синчи* мақолида “яхши” ва “ёмон” кунчи²⁹ ва синчи³⁰ лексемалари семантикаси орқали зидланмоқда.

²⁸ Богданова Е. Концепты “добро” и “зло” в русской и французской лингвокультурах: аксиологический аспект. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Майкоп, 2012. – С. 13.

²⁹ Ҳасад, кўролмаслик ҳисси кучли; ҳасадчи; рашкчи.

³⁰ Отларнинг зотини, наслини, ёшини, хусусиятини яхши биладиган киши.

Кунчи аслида кинчи шаклида бўлган, яъни ёмонга гина-кудурат сақловчи сифатида баҳо берилган. Мақолнинг иккинчи қисмидаги *синчи* сўзи ҳам қайд этилган сўзнинг қофия талабига кўра *кинчи* тарзда бўлганини асослайди. Иккинчидан, кун тарихий сўз бўлиб, “эр” маъносида ишлатилган, ҳозирги кипчоқ шеvasида аза айтимиларида сақланиб қолган. *Кундош* сўзи ҳам шу асосдан ясалган (сутканинг қисми бўлган кунга алоқаси йўқ). *Кунчи* мақол мазмунига ҳам мос эмас ва баҳоловчи лексема *кинчи* эканлиги маълум бўлади. *Кўнгли қоранинг юзи қора; Ғараз мараздан ёмон, Кўнгли қорадан пес яхши* – бахиллик инсонда салбий кайфият уйғотишига асосланиб хунукликнинг юқори даражасида баҳоланган. *Ёмон на ейди, на едиради* – инсоннинг ўзига бўлган муносабати оламга муносабат тарзида намоён бўляпти. Матнда ёмонликнинг нафсга қуллик қиймати акс этган. *Кўнгилнинг оласи – худонинг балоси* – бахилликка нисбатан негативлик кучайиб, илоҳий балога қийслапяпти; *Ёмон кўз тош ёради, Ёмон дўст – бош* мақолида ёмонлик ва бахилликни қийслаш асосида салбий муносабат даражаси ошган. *Кўз* лексемасида баҳо семаси гавдаланган (*назар* маъноси). *Ёмон* сўзи салбий баҳо миқдорини оширган. “*Кўз туяни нинага, одамни қабрга тикади*” сингари ибораларда ҳам *кўз* лексемасида бахиллик воқеланган (*кўз-назар*). Қадрият ва баҳо имплицит усулда ифодаланган матнларда аксиологик маркерлар қадрият ёки аксақдриятни ойдинлаштирувчи вазифани бажаради. *Ёмон кўз тош ёради, Ёмон дўст – бош* мақолидаги *кўз* лексемаси шулар жумласидан (*кўз тегмоқ, кўз олайтирмоқ* ФБ).

Бобнинг учинчи фаслида “Оқиллик-нодонлик” концептларининг аксиолингвистик таҳлили” масаласи текширилган. Ақл – мавҳум тушунча. Оқиллик аксиологик концепти инсон ҳаётининг моддий ва маънавий фаровонлиги учун хизмат қиладиган қадриятларни мужассамлантиради. Жумладан, **тил – ақл мезони**: *Тил – ақл тарозиси*. Ўзбек мақолларида тил ақл даражасини кўрсатувчи омил сифатида баҳоланган. Унда *тарози* лексемасидан фойдаланилган. *Тарози* қуйидаги белгиларни намоён қилади: а) меъёр; б) ўлчов; в) баҳо. *Тил – ақл тарозиси* деганда баҳолашга асос бўлган жиҳатлар: 1) тил – фикр ифодаси; 2) тил – фикрлаш даражасини кўрсатувчи восита; 3) тил – ақлни баҳолаш асоси. *Тарози* форс-тожикча сўз бўлиб, унинг туркий муқобили бўлган *қантар* энг қадимги шакл, шеваларда “*қантар оғди*” жумласи таркибида учрайди. *Қантар оғиши* қиш фаслининг ортга чекиниб кейинги фаслга йўл берилишига нисбатан айтилади. “Оғиш” белгиси ҳам тарозига хос бўлиб, оғир келган томон ҳолати билан баҳоланган. *Тарози* лексемасининг кўчма “*таққослаш, хулосалаш, синтезлаш*” маънолари тилда *меъёр; қоида; мушоҳада* сингари ижтимоий ва интеллектуал қадриятларни воқелантиради.

